

IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йилнинг январь–сентябрида чакана савдо товар айланмаси 8198,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 839,2 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 10,2 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 9,9 фоизга кўпайиб, 1 714,2 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 20,9 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 4 863,8млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,2фоизни ташкил этди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 59,3 фоизга тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби
(2018 йилнинг январь–сентябр ҳолатига фоизда,
уюшмаган савдосиз)




2018 йилнинг январь–сентябрда чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва надавлат шакллари бўйича қуйидаги ифодаланади: надавлат сектор мулки 8189,8 млрд.сўмни ёки ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,3 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 100,0 фоизни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь–сентябрда чакана савдо товар айланмаси таркиби


	<i>млрд.сўм</i>	<i>2017 йил январь–сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами	8189,8	104,3	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	839,2	116,7	10,2
кичик тадбиркорлик	7359,6	103,0	89,8
шуқаторда уюшмаган савдо товар айланмаси	781,6	101,6	9,5

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби
(январь–сентябр, умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)**

2017 й.



2018 й.



■ Йирик корхоналар ■ Кичик корхоналар ва якка тадбиркорлика ■ Уюшмаган савдо

